

Одним из ключевых направлений является повышение уровня налоговой грамотности бизнеса и населения.

Для достижения целей по повышению эффективности налоговой системы в Узбекистане предлагается следующее:

- регулярный аудит налогового законодательства с целью устранения устаревших норм и пробелов, что позволит поддерживать систему на уровне современных стандартов и обеспечит ее гибкость в ответ на изменения в мировой экономике;

- создание более благоприятных условий для привлечения иностранных инвестиций, особенно в высокотехнологичные отрасли, упростив налоговый режим и увеличив количество предоставляемых налоговых льгот;

- усовершенствование системы налогового контроля путем повышения квалификации налоговых инспекторов, внедрения новых методов анализа и контроля, а также создания прозрачных и эффективных механизмов оценки соблюдения налоговых норм.

- проведение информационных кампаний, обучение бизнесменов и налогоплательщиков, а также создание более прозрачных каналов для обращения граждан по вопросам налогообложения.

Подводя итог, изложенному выше, можно сделать вывод о том, что повышение эффективности управления налоговой системой в Узбекистане требует комплексного подхода, включающего как улучшение налогового администрирования, так и повышение финансовой грамотности и налоговой культуры среди населения и бизнеса.

#### **Список литературы:**

1. Налоговый кодекс Республики Узбекистан от 30.12.2019 года – Электронный ресурс: <https://lex.uz/ru/docs/4674893>

2. Закон Республики Узбекистан «О Государственном бюджете Республики Узбекистан на 2025 год» от 24.12.2024 г. № ЗРУ-1011– Электронный ресурс: <https://lex.uz/uz/docs/7277659>

### **ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ХАВФЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ**


**Жабборов Азамат**

*Иқтисодиёт ва молия вазирлигида  
бошқарма бошлиғи, PhD*

#### **Кириш**

Мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таркибида бюджет маблағлардан самарали ва натижадор фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса ўз навбатида молиявий назоратни янги турларидан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради.

Халқаро тажрибаларда жумладан, Халқаро Ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган “Уч бўғин” моделида молиявий хавфларни бошқариш жараёни молиявий назоратни ташкил этишнинг асосий йўналиши сифатида баён этилган<sup>203</sup>.



**1-расм. Халқаро тажрибада молиявий хавфларни бошқариш жараёни<sup>204</sup>.**

Бундан ташқари, Буюк Британия ҳукумати томонидан тасдиқланган “The Orange Book. Management of Risk – Principles and Concepts” қўлланмасига кўра ишлаб чиқилган 1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкинки, молиявий хавфларни бошқариш жараёни узлуксиз жараён бўлиб, доимий равишда давом этади. Ушбу жараён хавфларни аниқлашдан бошланади.

Хавфларни аниқлаш жараёни молиявий хавфларни бошқаришда биринчи босқич бўлиб жуда муҳим ҳисобланади ва қуйидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилаши мумкин:

давлат органининг низоми, таркибий бўлинмалари, структураси, вазифалари ва функциялари ҳамда уларнинг тақсимоти;

фаолиятга оид ички ва ташқи расмий манбалардаги (шу жумладан, ахборот технологиялари базаларидаги) маълумотлар;

давлат органи ва унинг тузилмасида ўтказилган молиявий ва бошқа назорат тадбирлари натижаларига оид маълумотлар;

фаолиятга оид ҳисоботлар(шу жумладан, молиявий ҳисоботлар);

фаолиятга тааллуқли бўлган бошқа маълумотлар.

<sup>203</sup> The IIA's Three Lines Model. [www.theiia.org](http://www.theiia.org) - Халқаро Ички аудиторлар институтининг расмий интернет сайти.

<sup>204</sup> “The Orange Book. Management of Risk – Principles and Concepts” [www.assets.publishing.service.gov.uk](http://www.assets.publishing.service.gov.uk) – Буюк Британия ҳукуматининг расмий интернет сайти

Иккинчи босқичда хавфларни баҳолаш амалга оширилади. Ушбу босқичда аниқланган хавфлар юзага келиш эҳтимоли ва келтириши мумкин бўлган салбий оқибатларини аниқлаш орқали хавфларнинг даражаси паст, ўрта ва юқори деб баҳоланиши мумкин.

Хавфларни баҳолашда уларнинг турлари билан бир қаторда уларнинг муҳимлиги даражаси ҳам жуда керакли маълумотларни беради. Шунинг учун ҳам хавфларни баҳолашда уларнинг муҳимлилик даражасидан келиб чиқиб “вазни”ни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Молиявий хавфлар баҳолангандан сўнг уларнинг реестри шакллантирилади. Реестрда хавфлар ва уларнинг даражалари акс эттирилиши мажбурийдир.

Хавфлар реестри шакллантирилгандан сўнг уларни минималлаштириш ёки бартараф этиш чоралари кўрилиши керак. Бунда бир хавфни минималлаштириш ёки бартараф этиш учун бир нечта чораларни амалга ошириш керак бўлиши билан бир қаторда бир чора бир нечта хавфларни минималлаштириш ёки бартараф этишга ёрдам бериши мумкин. Шунинг учун ҳам хавфларни минималлаштириш ёки бартараф этиш чоралари ҳам аниқ белгиланган шакллар асосида расмийлаштирилиши мумкин.

Хавфлар мониторинги қуйидагиларни ўз ичига олади:

хавфларни ҳар чорақда қайтадан кўриб чиқиш;

хавф даражасидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;

хавфларни минималлаштириш (олдини олиш, бартараф этиш) юзасидан амалга оширилган ишлар натижасини таҳлил қилиш;

минималлаштириш (олдини олиш, бартараф этиш) имкони бўлмаган хавфларни доимий назорат қилиш.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистонда давлат органлари ва ташкилотларида хавфларни бошқаришнинг яхлит тизими мавжуд эмас. Бироқ айрим соҳаларда, хусусан, тижорат банкларида хавфларни бошқариш бўйича алоҳида тартиб белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда молиявий назорати тизимида хавфларни бошқаришдан фойдаланиш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. Давлат органлари ва ташкилотларида молиявий хавфларни бошқариш жараёнини стандартлаштириш ҳамда яхлит қонунчилик ҳужжатини ишлаб чиқиш;

2. Молиявий хавфларни бошқариш бўйича ходимлар малакасини шакллантириш ва доимий ошириш;

3. Молиявий хавфларни бошқариш тизимини рақамлаштириш асосида уларнинг очиқлигини таъминлаш.